

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БАНК-МОЛИЯ АКАДЕМИЯСИ ВА
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017. I.15.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ
ҲУЗУРИДАГИ ПРОГНОЗЛАШТИРИШ ВА МАКРОИҚТИСОДИЙ
ТАДҚИҚОТЛАР ИНСТИТУТИ**

ВАЛИЕВ БОБУР БАТИРОВИЧ

**МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТНИНГ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШINI
ТАЪМИНЛАШДА ТЎҒРИДАН-ТЎҒРИ ХОРИЖИЙ
ИНВЕСТИЦИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ
САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ**

08.00.02- Макроиқтисодиёт

**ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент шаҳри – 2017 йил

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
экономическим наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
economical sciences**

Валиев Бобур Батирович

Миллий иқтисодиётнинг барқарор ривожланишини таъминлашда
тўғридан-тўғри хорижий инвестициялардан фойдаланиш
самарадорлигини ошириш..... 3

Валиев Бобур Батирович

Повышение эффективности использования прямых иностранных
инвестиций в обеспечении устойчивого развития национальной
экономики..... 21

Valiev Bobur Batirovich

Increasing the efficiency of using foreign direct investment in ensuring
sustainable development of the national economy 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 43

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БАНК-МОЛИЯ АКАДЕМИЯСИ ВА
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017. I.15.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ
ҲУЗУРИДАГИ ПРОГНОЗЛАШТИРИШ ВА МАКРОИҚТИСОДИЙ
ТАДҚИҚОТЛАР ИНСТИТУТИ**

ВАЛИЕВ БОБУР БАТИРОВИЧ

**МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТНИНГ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШINI
ТАЪМИНЛАШДА ТЎҒРИДАН-ТЎҒРИ ХОРИЖИЙ
ИНВЕСТИЦИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ
САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ**

08.00.02- Макроиқтисодиёт

**ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент шаҳри – 2017 йил

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.1.PhD/Iqt5 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.bfa.uz) ва «Ziynet» Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Содиқов Авазбек Мадаминович иқтисодиёт фанлари доктори
Расмий оппонентлар:	Беркинов Бозорбой Беркинович иқтисодиёт фанлари доктори, профессор Хашимова Наима Абитовна иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент
Етакчи ташкилот:	Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси ва Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.I.15.01 рақамли Илмий кенгашнинг 20__йил «__» _____соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Мовароуннаҳр кўчаси, 16-уй.Тел.: (+99871) 237-54-01, факс: (+99871) 237-50-11, e-mail: info@bfa.uz).

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (__ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Мовароуннаҳр кўчаси 16-уй. Тел.: (+99871)237-53-25.

Диссертация автореферати 20__йил «__» _____ куни тарқатилди.
(20__йил «__» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

А.Ш.Бекмуродов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, и.ф.д. профессор

У.В.Гафуров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, и.ф.д., доцент

Н.М.Махмудов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, и.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Глобаллашув шароитида халқаро иқтисодий муносабатларда давлатлар ўртасида инвестициявий ҳамкорлик қилишнинг роли ортиб бормоқда. Жаҳон мамлакатларида барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашда хорижий инвестицияларни жалб қилиш ва улардан самарали фойдаланиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Айниқса, иқтисодий ўсиш суръатлари юқори бўлган ривожланаётган давлатларда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2000-2016 йилларда жалб қилинган тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажми Ҳиндистонда 20 мартагача, Туркияда 15 марта, Вьетнамда 8,9 марта, Камбоджада 8,2 марта, Мьянмада 7,2 марта, Панамада 6 марта ошди. Ўз навбатида хорижий инвестицияларнинг юқори иқтисодий самараси натижасида айтилган даврда ушбу мамлакатларда ўртача иқтисодий ўсиш суръати ҳам баланд бўлиб, 6,5-10,5 фоизгача етган¹.

Жаҳонда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб қилиш механизмини такомиллаштириш, уларнинг истиқболли тармоқларга киришини рағбатлантириш ва улардан самарали фойдаланиш муаммолари бўйича илмий изланишлар олиб бориш кенгаймоқда. Чунки охириги ўн йилда жаҳон иқтисодиётидаги нобарқарорлик, турли таҳдидларнинг сақланиб қолаётганлиги, ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларда ўсиш суръатларининг пасайиши дунёда хорижий инвестициялар оқими ҳажмини тушиб кетишига сабаб бўлди. Мазкур ҳолатлар танланган тадқиқот мавзусининг долзарблигини белгилаб беради.

Ўзбекистонда иқтисодиётни модернизациялаш ва диверсификациялаш асосида унинг рақобатдошлигини ошириш мақсадида хорижий инвестициялар, аввало тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш устувор йўналиш сифатида танланган. Аммо мамлакатимизда аҳоли жон бошига тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш 2016 йилда юқори иқтисодий ўсиш суръатига эга бўлган ривожланаётган мамлакатларга нисбатан 4,5 марта, МДҲ мамлакатлари ўртача кўрсаткичидан 3 марта кам бўлган. Шунинг учун ҳам 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида² «...етакчи халқаро ва хорижий молиявий институтлар билан алоқаларни кенгайтириш, пухта ўйланган ташқи қарзлар сиёсатини амалга оширишни давом эттириш, жалб қилинган хорижий инвестиция ва кредитлардан самарали фойдаланиш» устувор вазифа сифатида белгилаб қўйилди.

Диссертация иши муайян даражада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-

¹Манба: <http://www.unctad.org>

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947 сонли Фармони.

сонли, 2016 йил 26 октябрдаги «Эркин иқтисодий зоналар фаолиятини фаоллаштириш ва кенгайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-4853-сонли, 2016 йил 5 октябрдаги «Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-4848-сонли, 2012 йил 10 апрелдаги «Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-4434-сонли Фармонлари ва бошқа ушбу соҳадаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республикамиздаги фан ва технологиялар тараққиётининг 2012-2020 йилларга мўлжалланган I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ амалга оширилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Хорижий инвестицияларни ишлаб чиқаришга жалб этиш ва улардан самарали фойдаланиш муаммолари хорижлик иқтисодчилар Л.Алфарио, Н.Байрактар, Е.Грибова, К.Гуадалупе, П.Жадхав, Х.Дегрегорио, Д.Даннинг, Ю.Зайцев, Д.Ким, К.Кожима, Р.Липсей, Р.Нарула, Т.Озава, Е.Попов, С.Саксонова, Л.Санжая, С.Хаймер, Ф.Хиолан, К.Хэд, Й.Хуанг ва бошқа олимлар тадқиқотларида ўз аксини топган³.

Шунингдек, бу борадаги мавжуд муаммоларнинг ўзига хос илмий ва амалий жиҳатлари республикамизнинг бир қанча иқтисодчи-олимлари, жумладан, А.Бекмурадов., Б.Беркинов, А.Вахобов, А.Исаджанов, Н.Каримов, Н.Кузиева, Н.Махмудов, Ж.Муинов, У.Надирхонов, Н.Неделькина, Н.Обломуродов, Д.Рустамова, Т.Сапаев, А.Собиров, А.Содиқов, Б.Тагаев, Ф.Умаров, Х.Халилов, И.Ханова, Н.Хайдаров, Н.Хакимов, Ж.Холтаев, Н.Хашимова, С.Чепель, Ш.Юлдашев ва бошқалар томонидан тадқиқ этилган⁴.

³ Alfaro L. "Gains from Foreign Direct Investment: Macro and Micro Approaches." World Bank Economic Review (2016): 1–14.; Bayraktar N. Foreign Direct Investment and Investment Climate // Procedia Economics and Finance. 2013. Vol. 5. P. 83–92.; Грибова Е.В. «Инвестиционный климат в России: приток и отток иностранного капитала»// Экономический анализ: теория и практика, №12(315), 2013. С.27-37.; С. Guadalupe, J.Rivera, G.Castro Foreign direct investment in Mexico Determinants and its effect on income inequality// Contaduría y Administración. 2013. Vol. 58. № 4. P. 201–222.; P. Jadhav Determinants of foreign direct investment in BRICS economies: Analysis of economic, institutional and political factor // Procedia – Social and Behavioral Sciences. 2012. Vol. 37. P. 5-14.; De Gregorio J. «The role of foreign direct investment and natural resources in economic development». 2003. Working Paper No 196. Central Bank of Chile, Santiago.; Dunning, J.H. The Eclectic (OLI) Paradigm of International production: Past, Present and Future, International Journal of the Economics of Business, 8(2), 2001, pp. 173-190; Зайцев Ю.К. «Диагностика притока прямых иностранных инвестиций в Россию: от теории к практике» //Экономический анализ: теория и практика, №19(418), 2015. С.16-25.; Kim, D. D. and J. Seo 'Does FDI Inflow Crowd out Domestic Investment in Korea?'// Journal of Economic Studies, 2003. 30 (6): 605-22.; Kojima K. The flying gees model of Asian economic development: Origin, theoretical extensions, and regional policy implication// Journal of Asian Economics, 11(4): 375-401.; ва бошқалар.

⁴Бекмурадов А.Ш. Глобальные тренды на мировых финансовых рынках и проблемы привлечения технологических инвестиций для реализации промышленной политики Узбекистана// Молия ва банк иши электрон илмий журнали. №2, январь, 2016 й.; Беркинов Б.Б. Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар самарадорлиги// Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар. №5, 2015 й.; Вахобов А.В., Г.Х.Разиқова, Ш.Х.Хаджибакиев Иностранные инвестиции и модернизация национальной экономики. Т.: «Молия» 2011 г.

Мавжуд тадқиқотларда хорижий инвестициялар самарадорлиги бўйича умумий назарий ва методологик натижалар олинган бўлсада, уларда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялардан фойдаланиш самарадорлигини баҳолаш назариялари ва усуллари, иқтисодий тармоқ ва ҳудудлар кесими бўйича хорижий инвестициялардан самарали фойдаланиш масалаларининг ҳозирги ҳолати макроиқтисодий нуқтаи назардан комплекс ёритилмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институтида амалга оширилган А-2-142-«Инвестиция жараёнларини прогнозлаштириш ва инвестиция муҳитини янада яхшилаш механизмлари» (2015-2017 йиллар) ва А-2-144-«Ишлаб чиқаришни оқилона жойлаштириш ва минтақалар иқтисодиётини диверсификациялашнинг методологик асосларини такомиллаштириш» (2015-2017 йиллар) лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистон иқтисодиётида тўғридан-тўғри хорижий инвестициялардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш бўйича илмий-услубий ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар таснифи, таркибий тузилиши, уларни жалб қилиш шакллари ва усуллари ҳамда иқтисодий ривожланишни таъминлашдаги аҳамиятига оид базавий концептуал ёндашувлар ва назарий қарашларни тадқиқ қилиш;

тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг иқтисодиётга таъсири ва уларнинг самарадорлигини оширувчи омилларни аниқлаш ва баҳолаш усуллари бўйича ёндашув ишлаб чиқиш;

миллий иқтисодиётга хорижий инвестициялар жалб қилиш тенденциялари, уларнинг иқтисодиёт тармоқлари, ҳудудлар бўйича таркибий тузилиши ва самарадорлигини баҳолаш;

мамлакатимизга тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни фаол ва самарали ўзлаштиришнинг асосий шартлари, ҳудудларни барқарор ва

-124 с.; Исаджанов А.А. Узбекистан: потенциал инвестиционного сотрудничества// Иностранные инвестиции в Республике Узбекистан. №1, 2008 й.; Каримов Н.Ф. Иқтисодий интеграллашув шароитида инвестиция фаолиятини молиялаштиришнинг бозор механизмларини жорий этиш масалалари. – Т.: Fan va technologya, 2007. -214 б.; Махмудов Н. М. Инвестиции – ресурсный двигатель экономики// Иностранные инвестиции в Республике Узбекистан. – Ташкент, № 2, 2008 й.; Муинов Ж, Федяшева Г. Прогнозирование инвестиционных процессов и механизмы дальнейшего улучшения инвестиционного климата // Отчет о научно-исследовательской работы за 2015-2017 гг., ИПМИ, 2017 г.; Садыков А.А. Основы регионального развития: теория, методология, практика//Монография. Ташкент. «IQTISOD-MOLIYA», 2005. -280 с.; Хайдаров Н.Х. Тўғридан-тўғри инвестициялар имкониятлари//Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар илмий электрон журнали, №1, 2011 й.; Хашимова Н.А. Агрегатный анализ динамики структуры инвестиционного потенциала Узбекистана// Экономический вестник Узбекистана. №5. 2016 г.; Чепель С.В. Системный анализ и моделирование перспектив устойчивого развития национальной экономики Узбекистана// Диссертация. Ташкент: IFMR, 2014. -с.116.; Юлдашев Ш.Г., «Иностранные инвестиции как фактор экономического роста и либерализации национального воспроизводства Республики Узбекистан», диссертация на соискание ученой степени доктора экономических наук, 2001 г. ва бошқалар.

мутаносиб ривожлантиришда хорижий инвестициялардан самарали фойдаланишнинг устувор йўналишларини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Ўзбекистон Республикаси, унинг ҳудудлари иқтисодиётига ва ишлаб чиқариш тармоқларига жалб қилинаётган хорижий инвестициялар танланган.

Тадқиқотнинг предмети миллий иқтисодиётда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш билан боғлиқ ижтимоий-иқтисодий муносабатлардан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда таҳлил ва синтез, индукция ва дедукция, корреляция ва регрессия, киёслаш ва гуруҳлаш, эксперт баҳолаш илмий абстракциялаш ва бошқа усуллар қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар типологияси ва уларнинг иқтисодий ривожланишга таъсирини кўп омилли регрессия тенгламаларининг эластиклик коэффицентлари орқали макроиқтисодий баҳолашга оид услубий ёндашув такомиллаштирилган;

тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар бўйича капитал қайтими, инвестиция мультипликатори, ICOR коэффицентлари, капитал сифими каби сифат кўрсаткичларини аниқлаш усуллари такомиллаштирилган ва улар асосида хорижий инвестициялардан самарали фойдаланишнинг нисбий устунликлари ҳамда устувор йўналишлари аниқланган;

инвестиция дастурлари сифатини ошириш ва хорижий инвестицияларни давлат томонидан бошқаришда давлат органларининг ўзаро муносабатлари механизми такомиллаштирилган;

минтақавий хусусиятлар ва нисбий устунликларни аниқлаш асосида жойлардаги ишлаб чиқариш салоҳиятидан келиб чиқиб, хорижий инвестицияларни ҳудудларнинг алоҳида истиқболли тармоқларига оқилона жалб қилиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

хорижий инвестициялар самарадорлигини баҳолаш кўрсаткичлари такомиллаштирилган, улардан инвестиция дастурларини ишлаб чиқиш, инвестиция лойиҳаларини шакллантириш ва инвестиция жараёнларини мониторинг қилишда фойдаланилган;

хорижий инвестициялар жалб қилишнинг нисбий устунликлари ва устувор йўналишлари аниқланган, улар хорижий сармоялар иштирокидаги инвестиция лойиҳалари мониторингини олиб бориш, устувор инвестиция лойиҳаларига халқаро молия ташкилотлари ва хорижий инвесторлар маблағларини жалб қилишда қўлланилган;

хорижий инвестициялар самарадорлиги даражасига баҳо берилган ва унинг натижаларидан иқтисодий ислохотлар устувор йўналишларини аниқлаш, инвестиция самарадорлигини ошириш ва устувор инвестиция лойиҳалари портфелини янгилашда фойдаланилган;

ҳудудларда хорижий инвестициялар самарадорлигини ошириш йўллари аниқланган, улардан хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг минтақавий

дастурларини бошқариш, инвестиция лойиҳалари тизимли таҳлилини амалга ошириш ва унга оид маълумотлар тайёрлашда қўлланилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги қўлланилган ёндашув, усуллар ва назарияларнинг расмий манбалардан олингани, келтирилган таҳлилларнинг математик-статистика ва эконометрика методлари воситасида асосланганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти диссертацияда ишлаб чиқилган назарий ва методологик асосларнинг мамлакат инвестиция сиёсатида хорижий инвестицияларнинг самарадорлигини баҳолаш ва уларни жалб қилиш механизмини такомиллаштириш бўйича илмий аппаратни бойитиши билан белгиланади. Тадқиқот натижаларидан хорижий инвестицияларни бошқариш тизимини яхшилашнинг концептуал асослари, усуллари ва моделларини ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти давлат инвестиция дастурларидаги хорижий инвестиция иштирокидаги лойиҳаларни сифатли ишлаб чиқиш, мамлакат нисбий устунликларини ҳисобга олган ҳолда хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг минтақавий дастурларини ишлаб чиқишни такомиллаштириш, ҳудудий ривожлантириш дастурлари сифатини оширишда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади. Тадқиқот ишида таклиф этилган амалий тавсиялар мамлакатимизга хорижий инвестицияларни жалб қилишни фаоллаштириш ва иқтисодиётнинг ўзлаштириш салоҳиятини ошириш омилларини аниқлашда ҳам ўз ўрнига эга.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Миллий иқтисодиётга хорижий инвестициялар жалб қилиш механизмини такомиллаштириш ва улар самарадорлигини ошириш юзасидан ишлаб чиқилган услубий ва амалий таклифлар асосида:

хорижий инвестициялар самарадорлигини баҳолашнинг янги услубий ёндашувлари ва устувор йўналишлардан Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлигида 2017 йилги давлат инвестиция дастурини ишлаб чиқиш, инвестиция лойиҳаларини шакллантириш ва мониторинг қилишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлигининг 2017 йил 8 февралдаги ИШ 2-2/4-5 сонли маълумотномаси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институтининг 2017 йил 12 январдаги 15-01/16 сонли далолатномаси). Натижалар хорижий инвестицияларни соҳа ва тармоқлар бўйича самарали тақсимлаш, тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ва кредитлар иштирокидаги қиймати 18 млрд. АҚШ доллар бўлган 85 та инвестиция лойиҳалари манзилли дастури мониторингини ташкил этишга хизмат қилди;

хорижий инвестициялар учун солиқ имтиёзларини барча эркин иқтисодий зоналарда бир хил тартибда қўллаш тўғрисидаги таклифи Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 26 октябрдаги «Эркин

иқтисодий зоналар фаолиятини фаоллаштириш ва кенгайтиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-4853-сонли Фармони ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ кўмитасининг 2017 йил 20 февралдаги 16/1-5075 сонли маълумотномаси). Илмий натижаларнинг қўлланилиши эркин иқтисодий зоналарда солиқ имтиёзларини самарали ташкил этиш ва соддалаштириш орқали чет эл инвестицияларини рағбатлантириш имкониятини яратди;

хорижий инвестициялар самарадорлигини аниқлашнинг математик статистика усуллари Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитасининг Кадрларни қайта тайёрлаш ва статистика тадқиқотлари марказида ходимларнинг малакасини оширишда «Миллий ҳисоблар тизими – 2008 қўлланмасини Ўзбекистонда жорий этишнинг устувор йўналишлари» фани маъруза материалларини такомиллаштириш ва ўқитишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитасининг Кадрларни қайта тайёрлаш ва статистика тадқиқотлари марказининг 2017 йил 19 январдаги 01/1-01-21/2-26 сонли далолатномаси). Мазкур илмий ёндашувлар статистика органлари ходимларининг малакасини ошириш курслари сифати ва самарадорлигини оширишга хизмат қилди;

хорижий инвестицияларни баҳолаш усуллари ва таклиф этилган устувор йўналишлардан «Асака» акциядорлик тижорат банкининг инвестиция лойиҳаларини шакллантириш ва уларни молиялаштиришдаги иштирокини оширишда, устувор инвестиция лойиҳаларига халқаро молия тузилмалари ва хорижий инвесторларни жалб қилиш бўйича таклифлар тайёрлашда фойдаланилган. («Асака» акциядорлик тижорат банкининг 2016 йил 5 октябрдаги АА-19-12/6577 сонли маълумотномаси). Натижада банк томонидан чет эл сармояси иштирокидаги инвестиция лойиҳалари кўлами ва сифатини оширишга имконият яратилди.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 8 та халқаро ва 42 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 37 та илмий иш чоп этилган, шулардан, 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялар асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та илмий мақола, жумладан 7 таси республика, 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 135 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш, нашр қилинган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Иқтисодий ривожланишни таъминлашда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялардан фойдаланишнинг илмий-назарий асослари»** деб номланган биринчи бобида иқтисодий ривожланишнинг илмий асослари баён қилинган, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар (ТТХИ) тушунчасининг моҳияти очиқ берилган, унинг назария ва моделлари, типологияси, таркибий тузилиши, уларни жалб қилиш шакллари бўйича хорижий манба ва адабиётларда келтирилган ёндашувлар батафсил таҳлил қилинган. Шу билан бирга «тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар» ва «иқтисодий ўсиш» категорияларининг ўзаро алоқадорлигини очиқ беришга оид назарий қарашлар баён қилинган.

Бунда иқтисодий ривожланиш назарияларига оид йигирмага яқин иқтисодий мактаб доирасида иқтисодчи олимлар қарашлари ва ёндашувлари таҳлил қилинган. Жумладан, «Замонавий иқтисодий ўсиш мактаби»нинг «Инклюзив иқтисодий ўсиш» назариясига кўра иқтисодий ўсиш бу барча иқтисодий субъектларга тенг имкониятлар яратиш асосида жамиятнинг барча қатламларида иқтисодий фаровонликни таъминлаш, иқтисодий имконияти, жинси, миллати, келиб чиқиши, динидан қатъий назар ҳар кимнинг иқтисодий ўсиш жараёнида қатнашишидир⁵. Иқтисодий ривожланишга эса такрор ишлаб чиқаришнинг кенгайиши сифатида иқтисодиёт, ишлаб чиқариш кучлари, таълим, фан, маданият, аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифати, инсон капиталининг босқичма-босқич ижобий сифат ва таркибий ўзгаришлари деб қаралган⁶.

Халқаро капитал ҳаракатининг асосий шакли бўлган ТТХИ бўйича «халқаро товар ишлаб чиқариш цикли» (Р.Вернон), «трансмиллий компаниялар ва сушт рақобат» (С.Хаймер), «олигополия ва тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар» (Ф.Никкербоккер), «интернализация» назариялари (М.Кассон), «учаётган ғозлар» парадигмаси (К.Акамацу), «тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва миллатларнинг рақобат устунликлари» назарияси (М.Портер), «эклeктик» парадигма - «OLI» модели (Ж.Даннинг), «мамлакатнинг инвестициявий ривожланиш йўли» назарияси (Ж.Даннинг, Р.Нарула) тизимли таҳлил қилинган.

Мавжуд назарий асосларни қиёсий таҳлил қилиш асосида ТТХИга «бу муайян мамлакат иқтисодиётида фаолият юритаётган хўжалик юритувчи

⁵E.Ianchovichina, S.Lundstrom, "What is Inclusive Growth?", The World Bank, February 10, 2009.

⁶Michael P. Todaro, Stephen C. Smith, Economic development // George Washington University, 2015. p.860.

субъектнинг хорижий бошқа бир мамлакатда рўйхатдан ўтган мулкчилик шаклининг у ёки бу турига мансуб корхона ёки ишлаб чиқарувчи ташкилот фаолиятига ишлаб чиқаришни янгидан ташкил этиш ёки кенгайтириш учун унинг низом жамғармасининг 10% миқдоридан кам бўлмаган ва фойда олиш мақсадида йўналтирган моддий ёки номоддий маблағларидир» деб муаллифлик таърифи берилган.

Иқтисодий ривожланишни таъминлашда хорижий инвестицияларнинг аҳамиятига оид йигирма бешга яқин чет эл ва маҳаллий иқтисодчи олимлар ёндашувлари таҳлил қилинган. Масалан, С.Хиратука бошчилигидаги ишчи гуруҳ 1990-2005 йилларда Бразилияга кирувчи ТТХИларнинг кескин ўсишини кузатди ва уларнинг унумдорликка таъсирини эмпирик таҳлил қилди. Бунда, хорижий инвестицияларнинг Бразилия иқтисодиётига ижобий таъсирининг паст бўлганлиги аниқланди. Бу ҳолат стратегик ёки алоҳида танланган тармоқ бўйича махсус инвестиция сиёсатининг олиб борилмагани, юқори технологияли фаолиятларнинг рағбатлантирилмаганлиги ва фақатгина ТТХИларга ёки чет эл корхоналарига чекловларни олиб ташлашга қаратилган сиёсатнинг олиб борилганлиги билан изоҳланган⁷.

Назарий ёндашувлар қаторида ТТХИ таъсири қабул қилувчи минтақанинг абсорбцион салоҳияти ва инновацияларни таъминловчи омилларнинг мавжудлигига боғлиқ эканлиги илмий асосланган. Масалан, Хитойнинг юқори билимли ва малакали ишчи кучи кўп бўлган, илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлари олиб борилаётган, нуфузли университетлар ва илмий-тадқиқот институтлари жойлашган қирғоқ ҳудудларида ТТХИ инновация салоҳияти ва унумдорликка салмоқли ижобий таъсир кўрсатган. Хитойнинг марказий ҳудудларида эса ТТХИнинг инновацияларни рағбатлантирувчи таъсири сезилмаган. Бунга ТТХИ тури ва сифати ҳамда абсорбцион салоҳиятнинг пастлиги сабаб бўлган⁸.

Маҳаллий тадқиқотларда ҳам ТТХИнинг иқтисодиётга ижобий таъсирини маҳаллий жамғармаларнинг инвестиция фаолиятига йўналтирилиши, меҳнат ва капитал самарадорлигини оширадиган бошқарув, маркетинг ва илғор технологиялар орқали тушунтирилган⁹.

Илмий назария ва қарашларнинг қиёсий таҳлили асосида чет эл инвестицияларини жалб қилишга асоссиз равишда кенг имтиёз ва афзалликлар берилишининг ўзи улардан кутилаётган иқтисодий самарага эришишни таъминлаб бера олмаслиги асосланган. Хорижий инвестицияларнинг иқтисодий самарасига эришиш учун эса мамлакат иқтисодиётида қулай шарт-шароитларни таъминлаш ва махсус инвестиция ислохотларини амалга ошириш талаб қилинади.


Тадқиқотнинг «Миллий иқтисодиётга жалб қилинган тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар самарадорлигини баҳолаш усуллари»

⁷Celio Hiratuka 'Foreign Direct Investment and Transnational Corporations in Brazil: Recent Trends and Impacts on Economic Development' Working Group on Development and Environment in the Americas, April 2008.

⁸ Xiaolan Fu, 'Foreign Direct Investment, Absorptive Capacity and Regional Innovation Capabilities: Evidence from China', Abstract, Department of International Development University of Oxford October 2007

⁹Обломуродов Н.Н. Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг назарий асослари ва устувор йўналишлари: Иқтисод фанлари номзоди диссертацияси. – Тошкент, 2008. 143 б.

номли иккинчи бобида тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг иқтисодиётга таъсирини ва уларнинг сифат кўрсаткичларини баҳолаш усуллари тизими яратилган. Бунда, айниқса, хорижий инвестициялар самарадорлигини баҳолашда замонавий эконометрик моделлардан фойдаланиш йўллари, чет эл капитали самарадорлигини оширувчи омилларни аниқлаш ва баҳолаш усуллари ишлаб чиқилган. Ж.Даннингнинг OLI модели, К.Франко, Ф.Ренточини ва Г.Марзеттилар¹⁰ тадқиқотлари ва бошқа назарияларга асосланиб муаллиф хорижий инвестицияларни ҳаракатлантирувчи ва уларга таъсир кўрсатадиган саккизта гуруҳ омиллари тизимини таклиф этган (1-расм). Улар институционал, инфратузилма, илмий, таълим ва технологик, макроиқтисодий ҳолат, давлатнинг қўллаб-қувватлаши, иқтисодий эркинлик, бозор кўлами, ресурслар омиллари гуруҳларидан иборат.



1-расм. Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларга таъсир қилувчи омиллар гуруҳлари¹¹

Хорижий инвестициялар самарадорлигини баҳолашда «капитал қайтими», «инвестиция мультипликатори», «капитал сифими», «ICOR коэффициенти», «ТТХИни жалб қилишда салоҳиятдан фойдалана олиш индекси», инвестиция лойиҳалари самарадорлиги, инвестицияларнинг иқтисодий ўсишга таъсирини корреляцион-регрессион таҳлил қилиш, хорижий капитал иштирокидаги корхоналар меҳнат унумдорлигига оид кўрсаткичларни ҳисоблаш усуллари ва йўллари таклиф этилган (1-жадвал).

¹⁰ Franco C., Rentocchini F., Marzetti G. (2008) Why do firms invest abroad? An analysis of the motives underlying Foreign Direct Investments. Universita Studi di Trento Discussion Paper №17.

¹¹Муаллиф томонидан тузилган.

Хорижий инвестициялар самарадорлигини баҳолашнинг сифат кўрсаткичлари тизими¹²


Формулаларнинг муаллиф томонидан хорижий инвестициялар учун таклиф қилинган модификацияланган шакли	Формулаларнинг халқаро амалиётда фойдаланиладиган мавжуд шакллари
1. Капитал қайтими	
$ХКҚ = \frac{ЯИМ(t) - ЯИМ(t-1)}{(ХИ(t) - ХИ(t-1))}$ <p>бунда ХКҚ – хорижий капитал қайтими, ЯИМ(t), ЯИМ(t-1) – солиштирма нархларда t-йилдаги ва аввалги йилдаги ялпи ички маҳсулот ҳажми, ХИ(t), ХИ(t-1) – солиштирма нархларда t-йилга нисбатан хорижий инвестициялар ҳажми (3 йиллик ўртача ҳажм тавсия қилинади)</p>	$КҚ = \frac{\Delta МД}{К} \text{ ёки } КҚ = \frac{\Delta МД}{\Delta Ф}$ <p>бунда КҚ -капитал қайтими, ΔМД - миллий даромад ўсишининг солиштирма нархлардаги ҳажми, К - капитал кўйилмалар ҳажми, ΔФ - асосий фондлар ўзгариши ҳажми</p>
2. Инвестиция мультипликатори	
$ХИ(\text{мул.}) = \frac{ЯИМ(t)/ЯИМ(t-5)}{ХИ(t)/ХИ(t-5)}$ <p>бунда ХИ(мул.) – хорижий инвестициялар мультипликатори, ЯИМ(t), ЯИМ(t-5) – солиштирма нархларда t-йилдаги ва ундан 5 йил аввалги йилдаги ялпи ички маҳсулот ҳажми, ХИ(t), ХИ(t-5) - солиштирма нархларда t-йилдаги ва ундан 5 йил аввалги йилдаги хорижий инвестициялар ҳажми.</p>	$ИМ = \frac{\Delta МД}{\Delta И}$ <p>бунда ИМ - инвестиция мультипликатори, ΔМД - миллий даромаднинг ўзгариши, ΔИ - инвестицияларнинг ўзгариши</p>
3. Капитал сиғими	
$ХКС = \frac{ХИ(t)}{ЯИМ(t)} * 100\%$ <p>бунда ХКС - хорижий инвестициялар бўйича капитал сиғими, ХИ(t) - t-йилдаги хорижий инвестициялар ҳажми, ЯИМ(t) - t-йилдаги ялпи ички маҳсулот ҳажми.</p>	$КС = \frac{К}{ИЧ}$ <p>бунда КС - капитал сиғими коэффиценти, К - маҳсулот ишлаб чиқариш учун фойдаланиладиган капитал умумий суммаси, ИЧ – муайян даврда маҳсулот (реализацияси) ишлаб чиқариш ҳажми</p>
4. Иқтисодий ўсишнинг қўшимча капитал харажати (ICOR коэффиценти)	
$ICOR(\text{хи}) = \frac{ХИ(t-1)/ЯИМ(t-1)}{ЯИМ(t)/ЯИМ(t-1)}$ <p>бунда ICOR(хи) – хорижий инвестициялар ICOR коэффиценти, ЯИМ(t), ЯИМ(t-1) – солиштирма нархларда t-йилдаги ва аввалги йилдаги ялпи ички маҳсулот ҳажми, ХИ(t-1) - хорижий инвестицияларнинг t-йилдан аввалги йилдаги ҳажми.</p>	$ICOR = \frac{И(\text{ул.})}{\Delta ЯИМ}$ <p>бунда ICOR - коэффицент, И(ул.) - ялпи ички маҳсулотда инвестициялар улуши, ΔЯИМ – ялпи ички маҳсулот ўсиш суръати.</p>
5. Жалб қилишда салоҳиятдан фойдалана олиш индекси (Inward FDI performance index)	
$И(\text{сф}) = \frac{ТТХИ(i)/ТТХИ(ж)}{ЯИМ(i)/ЯИМ(ж)}$ <p>бунда И – мамлакатда ТТХИни жалб қилишда иқтисодий салоҳиятдан фойдалана олиш индекси, ТТХИ(i) – i мамлакатга кирувчи ТТХИ ҳажми, ТТХИ(ж) – жаҳондаги жалб қилинувчи ТТХИ умумий ҳажми, ЯИМ(i) – i мамлакатнинг ялпи ички маҳсулот ҳажми, ЯИМ(ж) – жаҳондаги ялпи ички маҳсулот умумий ҳажмини ифодалайди.</p>	$И = \left(\frac{ТТХИ(\text{ж.ул.})}{ЯИМ(\text{ж.ул.})} + \frac{ТТХИ(\text{ж.ул.})}{Б(\text{ж.ул.})} + \frac{ТТХИ(\text{ж.ул.})}{Э(\text{ж.ул.})} \right) / 3$ <p>бунда И - жалб қилишда салоҳиятдан фойдалана олиш индекси, ТТХИ(ж.ул.) – тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар бўйича жаҳондаги улуш, ЯИМ(ж.ул.) - ялпи ички маҳсулот бўйича жаҳондаги улуши, Б(ж.ул.) - бандлик бўйича жаҳондаги улуши, Э(ж.ул.) - экспорт бўйича жаҳондаги улуши.</p>

¹²Муаллиф томонидан тузилган.

Диссертациянинг «Мамлакатимизга хорижий инвестициялар жалб қилиш тенденцияси ва улардан фойдаланиш самарадорлиги» деб номланган учинчи бобда хорижий инвестицияларнинг жаҳондаги ва мамлакатимиздаги тенденциялари, тармоқ ва ҳудудлар кесимида таҳлили, уларнинг самарадорлигини баҳолаш натижалари баён этилган.

Чет эл инвестициялари самарадорлиги уларнинг миллий иқтисодиётимизга таъсирини баҳолаш орқали аниқланган. Чет эл капиталидан фойдаланиш самарадорлигини оширувчи омиллар тизимлаштирилган. Хусусан, мамлакатимизда хорижий инвестициялар самарадорлигига инвестиция мультипликатори, капитал қайтими ва сиғими, ICOR ва акселератор коэффициентларини ҳисоблаш орқали баҳо берилган (2-расм).

Иқтисодиёт ва хорижий инвестициялар ўсишлари ўртасида ўзаро кучли боғлиқлик кузатилмади. Жумладан, хорижий инвестициялар 2005-2010 йилларда деярли 3 баробар, 2011-2016 йилларда 1,3 баробар ошган бўлса-да, иқтисодий ўсиш бу икки даврда деярли бир хил 1,6 баробарга тенг бўлган.




2-расм. Ўзбекистонда хорижий инвестициялар самарадорлиги даражаси динамикаси¹³

Хорижий инвестициялар бўйича капитал қайтими даражаси 2000 йилга нисбатан 2004-2008 йилларда салмоқли ошган бўлсада, 2009-2016 йилларда давр бошидаги даражага тушиб қолган. Иқтисодий ўсишнинг қўшимча хорижий капитал харажати (ICOR коэффициенти) эса 2000-2002 йилларда юқори бўлган бўлса, кейинчалик камайиб 2009-2016 йилларда деярли ўзгаришсиз сақланиб қолди. Лекин сўнги йиллардаги ICOR коэффициенти 2004-2008 йилларга нисбатан юқорилигича қолмоқда. Даромадларнинг ўсишига инвестицияларнинг мутаносиб ўсишини ифодаловчи акселератор

¹³Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

коэффициенти эса 2000-2016 йилларда кескин ўзгаришларсиз деярли бир хил даражада сақланиб қолди. Мамлакатимизга ТТХИни жалб қилишда иқтисодий салоҳиятдан фойдалана олиш даражаси ошиб бораётган бўлсада, сўнги бир неча йилларда мувозанат кўрсаткичидан анча пастлигича қолмоқда (3-расм).



3-расм. Ўзбекистонда ТТХИни жалб қилишда иқтисодий салоҳиятдан фойдалана олиш индекси динамикаси (индекс учун мувозанат даража 1 га тенг)¹⁴

Хорижий инвестициялар бўйича ICOR коэффициенти асосида мамлакатимиз ҳудудлари капитал сиғими даражаси бўйича таснифланган. Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Қашқадарё вилоятларида чет эл инвестициялари капитал сиғими юқори эканлиги аниқланган.

Ички инвестицияларнинг мамлакат ҳудудлари доирасидаги ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсишига ижобий таъсири (эластиклик коэффициенти=0.1034552) хорижий инвестициялар таъсирига (эластиклик коэффициенти=0.0000727) қараганда юқори бўлган (2-жадвал). Мазкур ҳолатни чет эл инвестицияларини ҳудудий ривожлантириш дастурлари доирасидан кўра асосан давлат инвестиция дастурига мувофиқ республикада стратегик аҳамиятга молик йирик ишлаб чиқариш объектларига жалб қилинаётгани билан изоҳлаш мумкин.

Шунингдек, мазкур бобда мамлакатимиз иқтисодиёти тармоқлари ва минтақалари доирасида чет эл инвестицияларидан фойдаланиш самарадорлиги ва тенденцияларини баҳолаш натижалари акс этган. Муаллиф томонидан хорижий инвестиция жараёнларининг мамлакатимиз иқтисодиётининг тармоқлар ва ҳудудлари даражасидаги таҳлил асосида мавжуд муаммолар ва имкониятлар аниқланган.

¹⁴БМТнинг Савдо ва ривожланиш конференцияси (UNCTAD, www.unctad.org) маълумотлари асосида тузилган.

**Ўзбекистон минтақаларида иқтисодий ўсишга омиллар таъсирини
эконометрик баҳолаш натижалари**

Тобе ўзгарувчи (<i>grp_growth</i>) – ҳудудларда ишлаб чиқаришнинг ўсиши					
Мустақил ўзгарувчилар (<i>independent variable</i>)		Коэффициентлар	Стандарт хатолик (<i>Std. Error</i>)	t-статистика (<i>t-Statistic</i>)	p-эҳтимоллик қиймати (<i>Prob.Value</i>)
